

АЙРИБОШЛАШ ШАРТНОМАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

*Тошкент вилояти, Нурафшон
туманлараро иқтисодий
суди судьяси Б.З.Нормуродов*

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигидаги айрибошлаш шартномасининг ҳуқуқий табиати, асосий белгилари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шакли ва муддати, шунингдек, унинг олди-сотди шартномаси билан ўхшашликлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Айрибошлаш шартномаси, фуқаролик кодекси, бартер, солиқ кодекси, олди-сотди, мулк ҳуқуқи.

Айрибошлаш - кишиларнинг меҳнат фаолияти ёки маҳсулотларини ўзаро алмаштиришлари. Айрибошлаш иқтисодий фаолиятнинг бир тури, ишлаб чиқариш билан истеъмолни бир-бирига боғлаб турувчи восита ҳисобланади. Айрибошлаш ўзига хос махсус фаолият тури бўлиб, амалиётда савдо-сотикдан иборатдир. Бу фаолият билан махсус кишилар гуруҳлари шуғулланадилар. Айрибошлашнинг иқтисодий асосини ижтимоий меҳнат тақсимооти ташкил этади, характери ва шаклини ишлаб чиқариш белгилайди.¹

Айрибошлаш шартномаси мулк қилиб олиш ва топшириш мажбурияти ифодаланган шартнома. Бунга кўра, ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириб беради. Айрибошлаш шартномасига нисбатан тегишинча олди-сотди тўғрисидаги қоидалар қўлланади. Бунда ҳар қайси тараф алмаштириш йўли билан топшириш мажбуриятини олган товар сотувчи ва қабул қилиш мажбуриятини олган товарни сотиб олувчи ҳисобланади.²

Олди-сотди шартномасининг айрибошлаш шартномасидан фарқи шундан иборатки, шартномага мувофиқ сотувчи товарни сотиб олувчига мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммасини тўлаш мажбуриятини олади.³

Ҳуқуқшунос С.Алексеев айрибошлаш шартномаси доирасида бартер муносабатларини таҳлил қилиб, уни мазкур шартнома мазмунининг таркибий қисми сифатида кўради.⁴ О.Садиков эса бартерни айрибошлаш шартномасининг иқтисодий ифодаси, яъни унинг амалий-иқтисодий кўриниши сифатида

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Биринчи жилд. Тошкент 2000 й

² Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 497-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 386-модда

⁴ Алексеев С.С. Гражданское право. Москва: Проспект, 2009

баҳолайди.⁵ Е.Сухановнинг фикрича, бартер - пул маблағлари иштирокисиз амалга ошириладиган айирбошлаш шаклидир⁶ Ю.Толстой эса бартер мустақил шартнома эмас, балки айирбошлашнинг амалиётдаги шакли эканлигини таъкидлайди.⁷

Айрим олимлар эса бартерни алоҳида фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тури сифатида ёки айирбошлаш шартномасининг мураккаблашган кўриниши яъни «аралаш шартнома» сифатида изоҳлайдилар. Ушбу қараш тарафдорлари бартер муносабатларида фақат товарлар эмас, балки хизматлар ва ишлар ҳам иштирок этиши мумкинлигини, бартер амалиёти кўп ҳолларда ташқи иқтисодий фаолият доирасида учрашини ҳамда у оддий товар алмашинуви билан чекланиб қолмаслигини асос сифатида келтирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 46-284-285 ҳамда 327-моддаларида айирбошлаш атамаси ишлатилган. Кодекнинг реализация қилиш жараёнлари билан боғлиқ тушунча берилганда, у сотиш, айирбошлаш ва беғараз бериш мақсадида товарларни жўнатиш (топшириш), ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш назарда тутилади.⁸

Айирбошлаш шартномаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигининг муҳим институтларидан бири бўлиб, мулк ҳуқуқининг ўтказилишининг пулсиз шакллари ҳуқуқий тартибга солишда алоҳида ўрин тутади. Ушбу таҳлил шуни кўрсатадики, айирбошлаш шартномаси ҳақ эвазига, икки томонлама ва консенсуал хусусиятга эга бўлиб, ўзининг ҳуқуқий табиати жиҳатидан олди-сотди шартномасига жуда яқин туради. Фуқаролик кодексига белгиланганидек, айирбошлашга нисбатан олди-сотди тўғрисидаги нормалар тегишинча қўлланилади, бу эса шартноманинг амалиётда қўлланилишини соддалаштиради ва ҳуқуқий барқарорликни таъминлайди.

Айирбошлашнинг иқтисодий моҳияти бартер муносабатларида ўз аксини топади. Бартерни айирбошлаш шартномасининг амалий кўриниши сифатида қараш тўғрироқ бўлиб, у мустақил шартнома тури эмас, балки айирбошлашнинг пул иштирокисиз амалга ошириладиган шакли ҳисобланади. Бироқ, замонавий иқтисодий муносабатларда, хусусан ташқи иқтисодий фаолиятда бартернинг мураккаблашган шакллари (товарлар, ишлар ва хизматларнинг бир вақтда алмашинуви) кўпайиши айирбошлаш институтининг янада чуқурроқ ўрганилишини талаб этади.

Солиқ қонунчилигида айирбошлашнинг реализация жараёни сифатида тан олинishi бу муносабатларнинг нафақат фуқаролик, балки солиқ ва бухгалтерлик ҳисоби жиҳатларидан ҳам муҳимлигини кўрсатади.

⁵ Садиқов О.Н. Гражданское право. Теория. Договорное право. Москва 2014.

⁶ Суханов Е.А. Гражданское право: Основные положения. Москва: БЕК, 2006

⁷ Толстой Ю.К. Гражданское право, Москва: Юридическая литература, 1978.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 46; 284; 285; 327-модда

Хулоса қилиб айтганда, айирбошлаш шартномаси пулли муомаланинг чекланган имкониятлари шароитида ҳам товар айирбошлашнинг самарали ҳуқуқий механизми бўлиб қолмоқда. Унинг ҳуқуқий табиати ва хусусиятларининг атрофлича ўрганилиши фуқаролик айланмасининг ривожланишига, тадбиркорлик фаолиятининг рағбатлантирилишига ва ҳуқуқий амалиётнинг такомиллашувига хизмат қилади. Келажакда айирбошлаш шартномасининг рақамли иқтисодиёт шароитидаги ўрни ва хорижий тажрибанинг миллий қонунчиликка интеграцияси масалалари бўйича қўшимча тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу мавзунинг назарий ва амалий аҳамияти юқорилигини ҳисобга олиб, айирбошлаш шартномаси Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи тизимида ўз ўрнини мустаҳкамлаб, иқтисодий муносабатларнинг турли шакллари қонунан қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Биринчи жилд. Тошкент 2000 й
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 497-модда
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 386-модда
4. Алексеев С.С. Гражданское право. Москва: Проспект, 2009
5. Садиков О.Н. Гражданское право. Теория. Договорное право. Москва 2014.
6. Суханов Е.А. Гражданское право: Основные положения. Москва: БЕК, 2006
7. Толстой Ю.К. Гражданское право, Москва: Юридическая литература, 1978.
8. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 46; 284; 285; 327-модда